

Тавба ва истиғфор (5-қисм)



16:23 / 28.03.2018 3764

Учинчи қисм. Фарз амални тарк қилиш (масалан, намозни тарк қилиш), қасддан таҳоратсиз намоз ўқиш, бировнинг намоз ўқишига тўсқинлик қилиш, закот беришдан бош тортиш, Рамазон рўзасини узрсиз тутмаслик, ота-онага оқ бўлиш, ота-онани лаънатлаш, ноҳақ қон тўкиш, ўз жонига қасд қилиш, қатлга ёрдам бериш, қатлга сабабчи бўлиш, жанг майдонидан қочиш, сохта табиблик қилиш (чунки касал бундан зиён кўриши ёки ўлиши мумкин), залолатга чақириш, ҳаром ишга ёрдам бериш, хамр, маст қилувчи ва наркотик моддаларини истеъмол қилиш, тайёрлаш ва сотиш, шаръий заруратсиз ўлимтик, қон ва чўчқани, қуруқликда яшовчи йиртқич ҳайвонларни, йиртқич қушларни истеъмол қилиш, сеҳр қилиш, нонкўрлик, исроф, бахиллик, аҳдни бузиш, ғаддорлик, қариндошлик алоқаларини узиш, ёлғон, Аллоҳ ва Унинг Расули номидан ёлғон тўқиш, илмни яшириш, ёлғон қасам, ваъдага хилоф қилиш, баҳслашганда ҳақоратга ўтиб кетиш,

одамга ва ҳайвонга зулм қилиш, зулмга ёрдам бериш, одамлар ва ҳайвонларни бир-бирига гижгижлаш, ҳайвонларни очидан ўлгунича қамаб қўйиш, қафасда яшамайдиган қушни қафасга қамаб ўлдириб қўйиш, ҳайвоннинг юзига тамға босиш, тирик ҳайвонни нишон қилиб олиб, ов қилишга машқ қилиш, бир ҳайвоннинг кўз ўнгида бошқасини сўйиш, хиёнат, жосуслик, мусулмонларнинг сир-асрорини душманга ошкор қилиш, ғийбат, чақимчилик, бўҳтон, одамни ва ҳайвонни лаънатлаш, коҳин ва фолбинларга бориш ва уларга ишониш, қўшнига озор бериш, макр-ҳийла қилиш, маййитга айтиб йиғлаш, берган садақасини миннат қилиш, кибрланиш, фахрланиш, кеккайиш, худбинлик, ҳасад, пешобдан сақланмаслик, баданини нажосатга булаш, одамларнинг йўлига, мевали ёки сояли дарахтларнинг тагига қазои ҳожат қилиш, тилла ва кумуш идишларда еб-ичиш, эркакларнинг ипак кийиши, тилла тақиши, жони бор нарсаларни тасвирлаш (қўл билан чизиш, йўниб ёки тикиб ясаш), овчи ва чўпон итдан бошқасини боқиш, нарда ўйнаш, лаҳвни ўзига касб қилиб олиш, сағира – кичик гуноҳларда бардавом туриб олиш.

Аллоҳим, нафсларимизнинг ёмонлигидан паноҳ бер!

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси